Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2006 ЙИЛ, 26 МАЙ, ЖУМА

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 100 (10.657) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришда божхона органларининг тутган ўрни» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Йиғилганлар Давлат божхона қўмитаси бош бошқармалари бошлиқларининг маърузаларини тингладилар, бугунги кунда соҳа ходимлари олдида турган муҳим устувор вазифалар нималардан иборатлиги, уларни бажариш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўрилаётгани ҳақидаги ахборот билан танишдилар.

●«ЭКОСАН» халқаро ташкилотида «ЭКОСАН-ТУР» экологик туризм халқаро маркази билан ҳамкорликда «Ўзбекистоннинг экотуристик салоҳияти» мавзусида халқаро учрашув ташкил этилди.

●Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таниқли ёзувчи ва журналист Ойдин Собировнинг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбир давомида ёзувчининг F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Суҳбати жонон» номли китобчаси ҳам мухлисларига ҳавола этилди.

● Ҳомийлар ва шифокорлар йилида «Камолот» ЁИҲ Андижон вилоят Кенгаши доимий асосда «Саховат» хайрия тадбирларини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Бунда якка-ёлғиз, кекса, ногиронларга, кўп болали оилаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилади. Ушбу хайрия ташаббусини «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят Кенгаши, вилоят прокуратураси, Фермерлар уюшмаси ва бошқа ташкилотлар фаол қўллаб-қувватлашмоқда.

● Хива шаҳридаги 20-Мехрибонлик уйи директори Вера Пак яна бир «фарзанди»ни уйли-жойли қилди. Яқинда меҳрибон мураббий Чирчиқ Олий ҳарбий билим юрти талабаси Бобомурод Ўрозовга Хива шаҳрида қуриб битказилган икки хонали уйнинг калитини топширди.

●Мамлакатимизда сувни импульсли электромагнит майдони орқали зарарсизлантиришнинг ўзига хос усули яратилди. Уни Э.Ойнақулов ва М.Ли-Фан ихтиро қилган бўлиб, янгиликни ҳаётга татбиқ қилиш ичимлик ва оқава сувига ишлов бериш жараёнида турли хил реагентларни қўллашдан воз кечиш имконини беради.

●Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институтида битирувчи ёшларни ишга жойлаштириш бўйича тақсимот ўтказилди. Тадбирда шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларининг мутахассислари, талаба ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

● Ғузор туманидаги жаҳон тилларига ихтисослашган мактаб-интернатда ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг «Жазирамадаги одамлар» ҳамда «Сирли муаллим» деб номланган янги асарларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

●Кеча Сочи шаҳрида Европа Иттифоқи ва Россия ўртасида саммит бошланди. Ўтказилган ҳар томонлама музокараларда асосан энергетика соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасидаги виза тизимини қайта кўриб чиқиш, Эроннинг ядро дастури муҳокама қилинди.

●Кеча Украина Олий Радасида 5 чақириқ депутатларининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Юрий Еханурров бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамасининг истеъфога чиққанлиги маълум қилинди.

●Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос ФАТХ ва ХАМАС гуруҳларига ўзаро келишиб олиш учун 10 кунлик муддат берди. Таъкидлаш жоизки, охирги ҳафтада ҳар иккала гуруҳ ўртасидаги кескин тўқнашувлар чоғида 10 киши ҳаётдан кўз юмди.

●Кеча Рим Папаси Бенедикт XVI апостол ташрифи билан Польшага келди. У Освенцим ўлим лагерининг собиқ маҳбуслари билан ҳам учрашди.

●АҚШ тўфонлар миллий маркази Нью-Йорк шаҳрига вайроналар келтирувчи кучли тўфон келиб урилишини маълум қилди. Зеро, 1 июндан тўфонлар мавсуми бошланади. Шу сабабдан марказ мутахассислари ҳар қандай даражадаги табиий офатга қарши тайёр туриш лозимлигини таъкидлашмоқда.

●Ливанда Ирок халқига қарши чиқиш ва терроризмни молиявий қўллаб-қувватлашда айбланиб, Интерпол томонидан қидирилаётган Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Ҳусайннинг яқин қариндоши Башар Сабауи қўлга олинди.

●Узоқ уринишлардан сўнг Англиянинг «Челси» жамоаси Италиянинг «Милан» клубида тўп сураётган украиналик улкан футбол юлдузи Андрей Шевченкони сотиб олишга муваффақ бўлди. «Челси» командаси билан 4 йил муддатга тузилган шартномага кўра Шевченкога ҳар йили 11 миллион доллар миқдорида маблағ тўланади.

●Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида экстремизм йўлига кириб кейинги пайтларда бир нечта қотилликларни амалга оширган неонацист ўсмирлар тўдаси қўлга олинди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 27 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-18, кундузи 31-33 даража иссиқ бўлади.

50 YIL

«ПАХТАКОР»ДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

«ПАХТАКОР» ФУТБОЛ ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввалambор, сизларни, сизлар орқали миллионлаб футбол мухлисларини бугунги қутлуғ сана - «Пахтакор» жамоасининг ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

«Пахтакор» деганда, биз ўзбек футболи тарихидан юксак ўрин олган, машҳур футбол юлдузларини ўз сафида мужассам этиб, ирода, қатъият ва маҳорати билан нуфузли халқаро мусобақаларда унутилмас ғалабаларни қўлга киритган кўпмиллатли, номдор спорт жамоасини тасаввур қиламиз. «Пахтакор» деганда, нафақат футболимиз, балки мамлакатимиз тарихи билан узвий боғланиб кетган, марказда бўладими, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимизда бўладими - бутун халқимиз қалбидан алоҳида жой эгаллаб, унинг фахру ифтихорига айланган, юртдошларимиз хотирасида муҳрланиб қолган машҳур футболчилар сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Айнан «Пахтакор» жамоаси ўзбек футболининг етакчи намояндаси сифатида юртимиздаги ҳар қайси маҳалла ва мактабдаги минг-миғлаб ёшларимизга ижобий таъсир кўрсатиб, унинг сафларида тўп сурган буюк футболчилардан ибрат ва намуна олган янги-янги футболчилар авлодининг етишиб чиқишига замин яратди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ярим асрлик тарихи давомида «Пахтакор» зафарли онлар билан бирга, ҳаётнинг жиддий синов ва машаққатларини ҳам бошидан кечиргани, айниқса, 1979 йилги авиаҳалокат натижасида ўзининг энг кучли таркибидан жудо бўлганини барчамиз ҳали-ҳануз изтироб билан ёдга оламиз. Ана шу навқирон спортчи ўғлонларимизнинг хотираси халқимиз қалбида ҳамон сақланиб келмоқда.

Бугунги кунда «Пахтакор» босиб ўтган мураккаб йўлни, бу жамоанинг нафақат Ўзбекистонда, балки мамлакатимиздан олисда жойлашган турли минтақа ва давлатларда ҳам тан олинганини, катта довруғ ва ҳурмат қозонганини эслар эканмиз, бизнинг энг муҳим вазифамиз — ўзбек футболи эришган ана шундай обрў-эътибор ва нуфузни тиклаш, унинг шонли тарихини муносиб давом эттиришдан иборатдир. Мустақиллик йилларида юртимизда спорт соҳасига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида доимий эътибор берилаётгани туфайли миллий футболимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилаётгани жамоатчилигимизга яхши маълум. Миллион-миллион мухлислар, аввало ёшларимиз қалбида ҳайрат ва ҳаяжон, чексиз завқ ва қувонч туйғуларини уйғотадиган футболдек жозибали ўйин, таъбир жоиз бўлса, том маънодаги бетакрор санъатга интилишни юксалтириш, шак-шубҳасиз, бугунги кунда спортни оммалаштириш ва соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтиришда ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган беқиёс таъсир ва аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда, яқинда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг бу борада нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини изоҳлашга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Ушбу қарорда кўзда тутилган асосий мақсадлар - футбол клубларининг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларнинг таркибига болалар ва ўсмирлар футбол мактабларини киритиш, истеъдодли спортчи ёшлар заҳирасини ривожлантириш, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини янада кўтариш, стадионларни халқаро андозаларга мувофиқлаштириш, жаҳон ва Осиё чемпионатларида, нуфузли беллашувларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни, мураббий ва мутахассисларни тайёрлаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш миллий футболимизни янги, замонавий босқичга кўтаришга хизмат қилади, албатта.

Энг муҳими, бундай ёндашув нафақат «Пахтакор» клуби, балки жойларда фаолият кўрсатаётган барча клублар ишини яхшилашда ҳам асосий мезон бўлиши, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, ҳаётини шу соҳага бағишлаган футбол фидойиларининг эзгу мақсад-муддаосига айланишини истардим.

Шу борада биз янгича асосда ташкил этилаётган Ўзбекистон футболини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг фаолиятига катта умид ва ишонч билан қарашга ҳақлимиз.

Азиз дўстлар, биродарлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бугун 50 ёшини нишонлаётган «Пахтакор» жамоасининг шаклланишига, унинг спорт оламида кенг шуҳрат қозонишига катта ҳисса қўшган футболчи ва мураббийларга, мутахассис ва ташкилотчиларга, муҳтарам фахрийларимизга барча футбол мухлислари номидан чуқур ҳурмат- эҳтиром ва миннатдорлик изҳор этишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Барчангизни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор табриклар эканман, сизлар «Пахтакор» дек мамлакатимиз спорт тарихида ёрқин саҳифа яратган машҳур ва севимли жамоанинг шаънини юксак даражада сақлаб, унинг доимо ифтихоримиз тимсоли бўлиб қолиши учун билим ва тажриба, куч-ғайрат, салоҳият ва маҳоратингизни янада яққол намоён этасиз, деб ишонаман.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



КЕЧА СЕВИМЛИ ЖАМОАМИЗНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛАРИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

КЕЧА «ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИ ЎЗГАЧА БАЙРАМОНА ТУСГА КИРДИ. СТАДИОН ИШҚИБОЗЛАР БИЛАН ДЕЯРЛИ ТЎЛДИ. ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА БУРЧАКЛАРИДАН КЕЛГАН ЖАМОАНИНГ ҲАҚИҚИЙ МУХЛИСЛАРИ «ПАХТАКОР»НИ ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ТЎЙИ БИЛАН ТАБРИКЛАШ МАҚСАДИДА ЭНГ ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИ ИЛА СТАДИОНГА ТАШРИФ БУЮРИШДИ.

50 рақами шакллантирилган шарлар тўплами самога парвоз қилганида стадион олқишларга кўмилиб кетди. Футбол марши садолари остида 1964 йилда Бразилиянинг «Пирасикаба» ва Уругвайнинг «Насьонал» жамоаларини енгган, 1968 йилда Кубокнинг финал баҳсида иштирок этган чарм тўп усталарининг стадионга кириб келишларини мухлислар кўтаринки руҳда кутиб олишди.



Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Пахтакор» футбол жамоаси аъзолари ва фахрийларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Сўнг Юртбошимиз Фармонига кўра «Пахтакор» футбол жамоаси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан мамлакатимизда футболни ривожлантиришда алоҳида ўрнак кўрсатган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«ПАХТАКОР» ФУТБОЛ ЖАМОАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда оммавий спортни кенг тарғиб қилиш йўлидаги жонкуярлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак малакали футболчиларни, мураббий ва мутахассисларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Абдураимов Бередар — Ўзбекистон футбол федерациясининг бўлим бошлиғи

Арутюнов Сергей Артемович — Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг мураббий- консультанти

Инаятов Ахрал — Республика олимпия заҳиралари коллежининг катта мураббийи

Суюнов Виталий Баймурадович — Республика олимпия заҳиралари коллежининг мураббийи

Миллий футболимизни ривожлантиришдаги муносиб хизмати, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол ёш авлодни тарбиялаш ишига қўшган самарали ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Азизходжаев Акмал Абдуазимович — Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг консультанти.

Агишев Равиль Рустамович — Марҳум
Ан Михаил Иванович — Марҳум
Аширов Олим Масалиевич — Марҳум
Базаров Сирожиддин Ахмедович — Марҳум
Баканов Константин Александрович — Марҳум
Денисов Геннадий Анатольевич — Футбол бўйича олий спорт маҳорати республика мактабининг мураббийи
Джалалов Нариман Джалалович — Ўзбекистон футбол фахрийлари кенгаши раиси
Ибрагимов Баходир Ходжиевич — Пенсионер
Исаков Туляган Ульмасович — Пенсионер
Ишбутаев Шуҳрат Мусинович — Марҳум
Красницкий Геннадий Александрович — Марҳум
Пшеничников Юрий Павлович — Москва шаҳридаги Олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийи
Рахматуллаев Хамидулла Тургунович — Марҳум
Сабиров Владимир Валиевич — Марҳум
Солохо Вячеслав Васильевич — Пенсионер
Тазетдинов Идгай Борисович — Марҳум
Талибджанов Мансур Инамджанович — Марҳум
Фёдоров Владимир Иванович — Марҳум
Штерн Владимир Аронович — Пенсионер

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШ ВА ҲИСОБГА ҚЎЙИШНИНГ ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф- харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишни хабардор қилиш тартиби ўрнатилсин, ер майдонлари ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни рўйхатга олиш бундан мустасно.

2. Қуйидагилар белгилансин: тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, тегишли равишда, юстиция органлари ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилади; ариза - хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этади.

3. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда рўйхатга олувчи тузилмаларнинг моддий- техника базасини хатловдан ўтказсин ҳамда уни мустаҳкамлаш, жумладан, зарур хоналар, компьютер техникаси ва тегишли ахборот материаллари билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширсин.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги Ал-Бухорий маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деб номланди.

●**БУГУН** Ўзбек Миллий академик драма театрида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида уюштирилган «Диний-маърифий қадриятлар—маънавиятимиз асоси» мавзуидаги маънавий-маърифий анжуманда шаҳар фаоллари иштирок этишди.

●**БУГУН** Сергели туманидаги «Оқибат» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши қошидаги «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан Ал-Фарғоний маҳалласи ёшлари иштирокида ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш ва ёзги таътилнинг мароқли ўтишини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ КУВАЙТДА ТАҚДИМОТИ

КУВАЙТ МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ "ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ" КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Маросимда Кувайт ҳукумати ва ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари, университет профессор ва ўқитувчилари, мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон Президенти Давлат маслаҳатчиси Ш.Ёвқочев раҳбарлигидаги делегация аъзолари иштирок этди.

Тақдимотда сўзга чиққан Кувайт университети ректори Нодир ал-Жалол, мазкур олий ўқув юрти ижтимоий фанлар факультети сиёсатшунослик кафедраси мудири Абдул Ридо Ассири, Озарбойжон элчиси Ш.Абдуллаев, Туркия элчиси Ш.Факили, университетнинг "Форс кўрфази — Европа тадқиқотлари" маркази раҳбари Ҳейла ал-Муками Ўзбекистон Президенти китобининг араб тилида ўз вақтида нашр этилганини таъкидлашди. Уларнинг барчаси демократия барпо этишнинг ягона шарти йўқлиги ва Ғарб қадриятларини зўравонлик билан мусулмон мамлакатларига экспорт қилишга йўл қўйиб бўлмаслигини қайд этдилар. Сўзга чиққанлар Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизлик ва ички барқарорликни таъминлаш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамиятини тадрижий ривожлантиришга қаратилган сиёсатини юқори баҳоладилар.

Хусусан, ижтимоий фанлар факультети сиёсатшунослик кафедраси мудири Абдул Ридо Ассири ислом цивилизацияси равнақига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон, ҳозирги кунда ҳам ислом дунёсида катта нуфузга ҳамда минтақада муҳим геостратегик мавқега эгалигини таъкидлади.

— Шу боис у демократия ва дунёвий тараққиётга қарши кучларнинг нишони бўлиб қолгани ажабланарли эмас. Минтақадаги барқарорлик кўп жиҳатдан Ўзбекистондаги вазиятга боғлиқ, унинг террорчилик ғояларига ва диний экстремизмга қарши курашдаги муваффақиятлари бутун минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг гаровидир, — деди сиёсатшунос.

Тақдимот маросими Кувайт матбуоти ва марказий телеканаллари томонидан кенг ёритилди. Жумладан, араб тилида нашр этилувчи "Ал-Ватан" газетаси "Террорчиликнинг ҳақиқий исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ" сарлавҳаси остида катта мақола эълон қилди. Унда террорчиларнинг бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлаётган хуружлари ҳокимиятни зўравонлик йўли билан эгаллашга қаратилгани таъкидланиб, Ўзбекистоннинг террорчилик ва экстремизмга қарши курашида аниқ ва қатъий ёндашувга эгалиги қайд этилади.

Нуфузли "Ал-қабас" газетаси ўзининг бош мақоласини "Ўзбекистон ва араб дунёсини ўзаро манфаатлар боғлаб турибди" сарлавҳаси остида чоп этди. Унда Ўзбекистон Президенти китобининг тақдимоти тўғрисидаги хабар билан бир қаторда юртимизнинг бой маданий-тарихий мероси, сиёсий-иқтисодий салоҳияти тўғрисида ҳам сўз юритилган. "Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган сиёсат давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва миллатлараро тотувликни сақлашга кўмаклашмоқда", — деб ёзади газета. Мақолада Кувайт университети сиёсатшунослик кафедраси профессори Муҳаммад Салемнинг Ўзбекистон ва араб дунёси ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш лозимлиги ҳамда унинг "Ўзбекистон – етакчи мусулмон мамлакатлари доирасида" шиори остида мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар ўтказиб туриш зарурлиги тўғрисидаги фикрлари келтириб ўтилган.

Оммабоп нашрлардан бири - "Ас-Сийаса" газетаси ўз мақоласида тақдимот Кувайт жамоатчилигининг кенг қатламларини Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёни билан таништириш имконини бергани тўғрисида таъкидлаган.

Кувайтга ташриф давомида Ўзбекистон делегацияси аъзолари мамлакатнинг кўзга кўринган ижтимоий-сиёсий арбоби Абдулазиз ал-Бобтайн билан учрашди. У "Ал-Бобтайн" жамғармасининг Ўзбекистондаги тегишли ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва юртимизнинг бой маданий-тарихий меросини мусулмон дунёсида тарғиб қилишга тайёрлигини маълум қилди. Кувайт ислом хайрия ташкилоти бошқаруви раиси Юсуф Ал-Ҳажжий меҳмонлар билан мулоқотда мамлакатимизда сармоявий ва инсонпарварлик лойиҳаларини амалга оширишга қизиқиш билдирди.

"Жаҳон" АА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШ ВА ҲИСОБГА ҚЎЙИШНИНГ ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2006 йилнинг 1 сентябригача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда туман (шаҳар)лар давлат солиқ инспекциялари билан рўйхатга олувчи органлар ўртасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари берилганлиги тўғрисидаги тегишли сўровномаларни қабул қилиш ва ушбу ахборотни рўйхатга олувчи органларга узатиш учун электрон почта алоқаси ташкил этилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси:

рўйхатга олувчи органларда тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш асосида давлат рўйхатига олиш учун зарур бўлган статистик кодлар келтирилган статистика классификаторлари мавжуд бўлишини таъминласин;

2006 йилнинг 1 сентябригача тадбиркорлик субъектлари томонидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатида айнан бир хил фирма номлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларни олиш,сўровномаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш учун зарур моддий-техника базасини яратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси:

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин;

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини тушунтириш бўйича оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда мақолалар чоп этилишини таъминласин, телекўрсатувлар туркумини ташкил қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда минтақаларда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг асосий йўналишлари бўйича аҳолини ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви тегишли органлари ходимларини кенг жалб этган ҳолда семинарлар ўтказилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар;

тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 24 май.

Маҳалланг—ота-онанг

МУНОСИБ НОМЗОД САЙЛАНДИ

МАҲАЛЛА ТИЗИМИНИНГ КУНДАН КУНГА ОММА ЭЪТИБОРИНИ ТОРТИБ ХАЛҚНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ, МУАММОЛАРИ ЕЧИМИНИ ТОПАДИГАН ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИГА АЙЛАНАЁТГАНЛИГИ РАВШАНЛАШИБ БОРМОҚДА. МАҲАЛЛА—БУ БОРАДА МУАЙЪЯН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ. ШУ МАЪНОДА ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА МАҲАЛЛА ГУЗАРЛАРИНИНГ ҚАД РОСТЛАЁТГАНИ, АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАИШИЙ АҲВОЛИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН КОМПЛЕКС ТАДБИРЛАРНИНГ МУНТАЗАМ РАВИШДА ЎТКАЗИЛАЁТГАНИ ВА БОШҚА БИР ҚАТОР ХАЙРЛИ ИШЛАР МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ТАКОМИЛЛАШИБ БОРАЁТГАНИ ДАЛОЛАТИДИР.


Юнусобод туманидаги «Боғишамол» маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ҳам юқоридаги каби хайрли ишлар ҳамжиҳатлик билан амалга оширилмоқда. Маҳалладаги 62 та кўп қаватли уйда 7100 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларини сайлаш учун келган 84 нафар халқ вакили эса маҳалладошларининг хоҳиш иродасининг ифодачиси сифатида маҳалла гузарига йиғилди.


Даставвал, икки ярим йилдан бери маҳаллага етакчилик қилиб келган Хушрўй Аҳматованинг ҳисоботи тингланди. Ҳисобот мобайнида таъкидлаб ўтилганидек, шу вақтга қадар омонатгина турган маҳалла гузари ўрнида янги бино тикланди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда мавзе, кўчалар таъмирланди. Аҳолининг ижтимоий-маиший аҳволини яхшилаш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Тафтиш комиссияси ҳисоботида ҳам барча сарф-харажат ва тушумлар ўз ўрнида, батартиб юритилгани ўз аксини топди.

Ниҳоят асосий масалага ўтилди. Маҳалла фуқаролари йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзоди кўрсатилган Хушрўй Аҳматова, Фахриддин Каримов, Рустам Мираҳмедовларнинг сайловолди дастурлари тингланди, Овозга қўйиш давомида маҳалла фаоллари ҳамжиҳатлик билан Хушрўй Аҳматовани яна маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайладилар. Маҳалла оқсоқоли маслаҳатчилари ҳам кўпчилик фикри билан келишилган ҳолда сайлаб олинди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

«ПАХТАКОР»ДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ





(Давоми. Боши 1-бетда)

«Пахтакор»ни қутлуғ юбилей билан қутлаш тантаналарида сўзга чиққанлар Мустақилликка юз тутганимиздан сўнг Юртбошимиз раҳнамолигида юртимизда спортнинг ҳамма турлари қатори футболни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада бир нечта Фармон ва қарорлар ҳаёт юзини кўрганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Юбилей тантаналарига йиғилганлар «Сетора», «Нола», «Божалар», «Пилигрим» гуруҳлари, хушовоз хонандалардан Ғ.Бойтоев, И.Фармонов, М.Асалхўжаевларнинг жозибали қўшиқлари, кулги усталари О.Асомов ва В.Шамшиевлар ижросидаги ичакузди ҳазиллардан бир олам завқ олишди.


Тадбир «Пахтакор» ва Москванинг «Торпедо» жамоалари ўртасида ўтказилган халқаро ўртоқлик учрашуви билан ўз ниҳоясига етди. Бунда айниқса биринчи бўлим ишқибозларга кўплаб қизиқарли онларни ҳадя этди. «Пахтакор» аъзолари Э.Уче ва С.Жепаровларнинг бири-биридан чиройли икки тўпига бўлим охирларида собиқ пахтакорчи А.Гейнрих ҳам бетакрор жавоб голини киритди. Иккинчи бўлимда дарвозалар дахлсиз қолгач, ўйин 2:1 ҳисобидаги «Пахтакор»нинг ғалабаси билан якунланди.

Қизиқарли баҳс тугаганидан сўнг ҳар иккала жамоа ўйинчиларига қимматбаҳо совғалар топширилди. Тантанали тадбир эса чиройли мушакбозлик билан якунланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «Пахтакор»нинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналардан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар



АЙТАР ГАПНИ АЙТ

Кечки тиғиз пайт. Автобус тиқилинч. Ғала-ғовурдан қулоқлари битган олдинги ўриндиқдаги икки қария бир-бирига маъноли қараб қўйишади. Уларнинг тепасида тик туриб олган қизларнинг суҳбати тобора авж олади. Қизлар тортинмай, ҳеч нарсага эътибор бермай, шу қадар шанғиллаб гаплашишадики, гўё машинада улардан бошқа одам йўқдек. Дугоналар суҳбатидан безор бўлган қариялардан бири ниҳоят илтимос тарзида:

— Қизларим, иложи бўлса сал секинроқ гаплашинглар, — деди.

Бу гапни дугоналар эшитдими, йўқми билмадик. Лекин улар бу илтимосга мутлақо эътибор беришмади.

Шу топда ҳамсуҳбатлардан бирининг қўл телефони ғалати жиринглаб қолди. У дарҳол сумкасини очиб, телефонини чиқардида, гапира кетди.

— Алло, Севар, сенмисан? Ҳа, ўл. Кеча нега келмадинг? Роса пойлади бечора. Кута-кута тоқати тоқ бўлиб мени сургади. Хиёбон бурчагидаги музқаймоқхонага бордик. Шампан ичиб музқаймоқ едик. Вой, йўқ. Бошимга ураманми, ўзингга буюрсин. Ўзимнинг Қоработиримдан қўймасин.

Ҳаммани оғзига қаратиб беандишаларча телефонда гаплашаётган қизнинг кўнғироқ овози кўпчиликнинг ғашини келтирсада, юз амри иссиқлик қилиб, ҳеч ким унга ботинолмасди. Дугоналардан сал берироқда турган ўрта ёшли аёл чидай олмади шекилли, уларга сўз қотди:

— Қизлар, бу жамоат транспорти бўлса, кўпчиликнинг олдида уялмайсизларми, шунақа бемаъни сўзларни айтишга.

Дугоналар аёлга чимирилиб қарашди.

— Нима, автобусда гаплашиш мумкин эмас, деб бирор жойга ёзиб қўйибдими? Бунинг устига кўрмаяпсизми, мен телефонда гаплашяпман.

Аёл бўш келмади.

— Бунақа жойда телефонни ўчириб қўйиш керак. Телефон билан ҳоли жойда, уйда, ишда гаплашилади. Телефоним бор деб кўча-кўйда, истаган жойда бемаъни гапларни гаплашаверадими? Ҳе, матоҳ бўлмай ўлсин, шу қўл телефони. Ҳозир кимнинг қўлида кўрсанг шу телефон. Заруриятдан бўлса майлия, унар-унмасга қаерда бўлса ўша жойда мутлақо ҳуда-беҳуда гапларни айтиб хиринглашиб туришади.

— Керак бўлгандан кейин гаплашишадида, — дея бидирлади қиз қизариб-бўзариб. —Алам қилса сиз ҳам олволинг.

— Менинг кўчада тушиб қолган пулим ҳам, вақтим ҳам йўқ, телефон билан гаплашишга. Худога шукр, уйда телефоним бор. Керак вақтда бемалол ўтириб гаплашавераман.

— Вой, Зумир, — деди иккинчи қиз дугонасига. — Қўй, нервингни бузиб, гап талашиб ўтирасанми? Улар барибир тушунишмайди.

— Ҳов, тушунганлар. Бас қиласанларми, йўқми? Уялмайсанларми, онанг тенги аёл билан гап тортишиб ўтиргани. Билсанг бу жамоат транспорти, севги изҳор қиладиган жой эмас, — деди қизларнинг бетгачопарлигидан зардаси қайнаган бир йигит.

— Вой булар севги нималигини билармикан ўзи?

— Билишади, фақат биттасини — кўча севгисини.

Чекка-чеккадан айтилган гапдан безор бўлган қизлар навбатдаги бекатда автобусдан тушиб кетишди. Ғала-ғовур салон бир зумда тинчиди-қолди.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ХАЛОЛЛИК

Қодиржон навбатдаги бекатда трамвайга чиқди. Бўш ўриндиқлардан бирига ўтириши билан ҳайдовчининг ойнасига йўловчиларга кўрсатадиган қилиб осиб қўйилган паспортга кўзи тушди. Паспорт четига ёпиштирилган расм узоқдан кўзига таниш-дек кўринди. Қизиқсиниб, ўрнидан туриб унга яқин борди. Қараса паспорт ҳам, унга ёпиштирилган расм ҳам бобосиники.

Трамвай навбатдаги бекатда тўхтаганида у ҳайдовчига юзланди.

— Ака, мана бу паспортни топиб олдингизми дейман-а?

— Танийсизми? — сўради ҳайдовчи.

— Ҳа, бу менинг бобомнинг паспорти.

— Ие, яшанг, ука. Агар билсангиз бобонгиз бугун «Отчопар» бозорига ўтганлар шекилли ҳамёнларини эсдан чиқариб ўриндиқда қолдириб кетибдилар. Қарасак унинг ичида анча пул, мана бу паспорт бор экан. Уни зора битта-яримта таниб қолса ёки отанинг ўзи қидириб яна шу трамвайга чиқиб қолса, деган мақсадда кўзга кўринарли жойга осиб қўйгандик.

— Бугун кичик набираларининг туғилган куни. Эрталаб бозорга бориб, унга бирон совға оламан, деяётгандек эдилар.

— Энди ука, сизга бериб юборардиму лекин ҳамёнларида анча-мунча пул бор экан. Шунга эртаматан ўзим олиб бориб берсамми, деб турибман. Агар бирон ишончли ҳужжатингиз бўлса овора бўлмай, ўзингиздан бериб юбора қолардим.

— Паспортим ёнимда, кўрсатайми? Ҳайдовчи анойилардан эмас экан. Қодиржоннинг паспортини олиб синчков кўрди. Исми-шарифи, турар жойини яхшилаб кўздан кечирди. Бобонинг паспортига солиштириб кўрди. Ишонч ҳосил қилгач:

— Энди уқа, гап бундай. Мен билан трамвайнинг охирги бекатигача борасиз. Ўша ерда бафуржа ҳамёндаги пулни санаб, уни олганлигингиз ҳақида менга кичкина ҳужжат ёзиб берасиз. Ҳар қалай ўртамизда бирон келишмовчилик чиқмаслиги учун расмийлаштириб қўйганимиз яхшида, — деди.

Шундай қилдик. Пулларни бирма-бир санаб, мен ҳайдовчига топилмани олганлигим ҳақида тилхат ёзиб бериб, кейин ҳамён билан паспортни қўлимга олдим. Ҳайдовчига суюнчи узатган эдим «Ўзларига буюрсин» деб олмади. Унга такрор-такрор раҳмат айтиб, бобом роса хуноб бўлиб ўтиргандир, деган хаёлда уйга шошилдим.

Эшикдан кирсам, тўкин дастурхон атрофи анча гавжумлашиб қолибди. Бобом мени кеч қолганимга койигандек бўлди.

— Биласан, бугун укангнинг туғилган куни. Барвақтроқ уйга қайтсанг бўлмайдими?

Ишхонада зарур юмуш чиқиб қолганини баҳона қилиб узр сўрадим. Даврадан жой олиб ўтиришим билан бобомни кузата бошладим. У бепарво. Ҳеч нарса бўлмагандек, яйраб-яшнаб ўтирибди. Унинг кайфиятини бузгим келмади, индамадим. Охирида ҳамма тарқагач, бобо ва набира икковимиз бир чеккага ўтиб, чойхўрлик қилдик.

—Бугун, қаерга бордиз?

— Нега сўроқлаб қолдинг? Билгинг келаётган бўлса айтай, «Отчопар» бозорига борган эдим. Укангга бирон совға олай десам дидимга тўғри келмай, қуруқ қайтдим.

— Ҳамёнингизни туширио қўймадингизми, ишқилиб.

Бобом, бироз хаёлланиб қолди.

— Сендан яшириб нима қиламан. Туширибман. Билмадим, қайда туширдим. Бозордами, кўча-кўйдами. Буниси менга қоронғу. Пулга ачинмайман. Лекин ичида паспортим бор эдида. Майли, бир эпини қиларсиз. Уйдагилар билмай қўя қолишсин, хўпми, бўтам.

Бор гапни бобомга айтдимда, ҳамён билан паспортини унга узатдим.

— Ана шунақа, болам. Ҳалол нарса йўқолмайди, — деди бобом қувониб. — Ўша ҳайдовчига суюнчисини бердингми, ишқилиб?

— Бердим, олмади.

— Ҳалол одамнинг садағаси кетсанг арзийди, бўтам, — деб қўйди бобом ҳайдовчини дуо қилиб.

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Назм:

Ҳар ким доно бўлса ейиш бобида,
Билмаган нарсасин емайди зинҳор.
Бирор йўлда зарар кўп бўлса агар,
Кучи кўп бўлса ҳам юрмайди зинҳор.
Синалмаган йўллар яқин бўлса ҳам,
Синалган узоқдан қолмайди зинҳор!

Эй Искандар, сафар ва саёҳатга чиққанда шунчалик юк олгинки, уни кўтариб юришдан ўзинг безор бўлмагин, бунинг устига кучдан ҳам қолмагин. Шароб ичишни одат қилмаки, у беҳушлик ва ғофилликка олиб боради. Ўзингга садоқатли ва вафоли кишиларни ҳамиша азиз тут. Қийинчилик онларида ўзингни маҳкам тут ва умидсизликка тушма. Кимки бировларга ситам қилаверса, ўзи ҳам узоқ яшамайди. Биров сенга ситам қилган бўлса ёки сен бировга яхшилик қилган бўлсанг, ҳар икковини ҳам унут. Тунда берилиб ухлаб, ғафлатда қолма, тун бедорлигини ўзингга давлат деб бил. Муродингга етган вақтларингда ханда уриб кулмаки, атрофда турганларга хунук кўринади. Агар иш аксинча бўлса, ғамгинлигингни бировларга билдирма. Бировдан кўрқадиган ва жангда енгилиб қочган кишилар билан ҳамроҳлик қилма! Назм:

Жангдан қочиб келган бўлса ҳар киши,
Ўзгага ваҳима солишдир иши.
Зафар ёрим бўлсин десанг ҳар нафас,
Ботир кишиларга бўлгин ҳамнафас!

АФЛОТУН ПАНДНОМАСИ

Эй Искандар, дунё ишларини тиғ ва тадбир билан изга солиш мумкин. Аммо тиғ ва тадбир ўзаро бирга бўлса, нур устига нур бўлади. Шунинг учун сенинг ҳар бир мажлисинг ва ўтиришинг доно-ю донишмандлардан холи бўлмасин. Дунёга ибрат кўзи билан қара, ҳушёр яша, ғафлатга, ортиқча еб-ичишга рижуъ қилма, чунки улардан турли нуқсонлар ҳосил бўлади. Масалан, кўп ейишдан ҳазм аъзолари ишдан чиқади. Кўп гапиришдан эса одамнинг обрўси кетади. Ўлим ҳақ бўлгани учун ўлмасдан аввал қиладиган яхши ишларингни қилиб қол.

Нечун қоринни деб ҳар ён чарх урмоқ,
Очкўзлик отини ҳар ёнга сурмоқ!

Ҳар бир киши ишини амалга оширишда ақлу тадбирни ишга солиши лозим. Жаҳл ва ғазаб юзидан иш тутмаки, охири пушаймонликдир. Қийин ишда ғамгин бўлмаки, барча мушкуллар оҳисталиқ билан ҳал бўлади.

Назм:

Барча мушкул ишнинг бордир чораси,
Чигаллар ечилмай қолмайди зинҳор.
Умид ипларини узмагил ҳеч вақт,
Булут қора бўлса ҳамки беғубор.
Ёмғиридан яшнаб гуллайди олам,
Сени ҳам бир куни яшамоғинг бор!

БУҚРОТ ПАНДНОМАСИ

Эй Искандар, дўстларинг ва ҳамнишинларинг ақлли ва довюрак кишилардан иборат бўлмоғи лозим, бундай кишилардан одамнинг ақли ва довюраклиги ошади. Илмсиз ва феъли бузуқ кишилар ҳар ерда одамга панд беради, бадном қилиб қўяди. Таомни ҳеч вақт ёлғиз ема, кимдир ҳамиша ҳамроҳинг бўлсин. Юртингда ҳар бир кимса ўз топганини ея олса ва биров зулм қилиб, тортиб олмаса бу сенинг обрўйингни ошишидир. Ҳирсга кўнглингдан асло жой берма, бир вақт овқат ейишни одат қилки, доимий еяверишдан касаллик содир бўлади. Ҳўл-иссиқ ва қуруқ-совуқ нарсалардан тенглаштириб егинки, мижозингни мўътадил қилиб туради. Лутфу меҳрибонликни ўзингга шиор қилки, бу сифатлар инсониятнинг энг олий сифатларидир. Молу давлатни ҳам эҳтиёт қилиб ишлатки, уларнинг ҳам алоҳида ўринлари бор. Назм:

Ўзинг еб, ўзгага берсанг, эй инсон,
Номинг улуғ бўлар, вужудинг инон!

Бирор мақсадга етишни ўйласанг, аммо унга етишиш қийин бўлса ҳеч ғам ема, сабрни маҳкам ушла, золим ва ситамкор кишиларга ёрдам қилма! Назм:

Қиличнинг зарбаси тушмасин бошга,
Десанг зулм қилма кекса-ю ёшга!
Золимлар зулмини йўқот жаҳондан,
Ожизлар қўлини тутгин ҳар онда!

Овқат ейишдан аввал уни ҳазми ҳақида ўйла, овқатнинг ширин ва ҳаловатига учиб, ҳазм қилолмай, қийналиб юрма. Сирка еганингдан кейин асло сут ичмагинки, қорнингга оғриқ туриб ҳазм қилишдан ожиз бўласан. Сўзни мулойимлик билан гапир, оз гапир, кўп гапириш гарчи ёқимли бўлса ҳам девоналикдан нишонадир. Шеър:

Жимликдан бўлмади ҳеч ким пушаймон,
Кўп гапдан зарарлар юз берди ёмон!

Бойлигингга мағрурланма, унинг усти чиройли кўринса ҳам, ичи ниҳоятда ифлос бўлиб, кишини минг турли балоларга дучор қилади. Барча ишда шошмасдан ўйлаб иш қил. Сиригни ҳаммага айтаверма, илмсиз кишиларнинг айтган гапига ишониб иш тутма, ўтган ишга қайғурма, умрингни зое ўтказма! Шеър:

Дилимда қанчалар сўзим бироқ,
Шакарнинг кўпидан озидир созроқ!
Оз сўздан киши ҳеч бўлмас пушаймон,
Кўп сўзидан кишига етади зиён!

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАМЗА КУРИЛИШ КАСБ–ХУНАР КОЛЛЕЖИ

2006-2007 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

9-СИНФ МАЪЛУМОТИ БИЛАН:

1. Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси ва қурилиш дурадгори.
2. Автомобиль воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича механик («В» ва «С» тоифали ҳайдовчи гувоҳномаси берилади).
3. Газ таъминоти тизими жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш бўйича механик («В» ва «С» тоифали ҳайдовчи гувоҳномаси берилади).
4. Тикув буюмларини ишлаб чиқариш ва моделлаштириш бўйича технолог.
5. Электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ишлатиш бўйича мутахассис.
6. Бухгалтерия аудитор.
7. Иш юритиш ва архив иши бўйича мутахассис.

Ўқиш муддати — 3 йил



11-СИНФ МАЪЛУМОТИ БИЛАН (ШАРТНОМА АСОСИДА):

1. Бухгалтерия ҳисоби.
2. Иш юритувчи.

Ўқиш муддати 1 йилу 10 ой

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Коллеж директори номига ариза.
2. Маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли).
3. 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.
4. Турар жойидан маълумотнома.
5. 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
6. Туғилганлик гувоҳномаси ёки паспорт нусхаси

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Слонин кўчаси, 113-уй.
Телефонлар: 94-42-32; 94-08-94; 94-42-38.

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН, ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР ҚАРОРЛАРИГА АСОСАН ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИШ ВА ҚАРЗ ҲИСОБИГА УНДИРИШЛИК УЧУН ХАТЛАНИБ БАНД СОЛИНГАН ҚУЙИДАГИ АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ОЧИҚ КИМОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

2006 йил 6 июнь куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:

1. «ДЭУ Супер Салон 2.0» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 6.400.000 сўм, техник соз-Юнусобод-263/4
2. «ДЭУ Супер Салон 2.0» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 6.400.000 сўм, техник соз-Юнусобод-262/4;
3. «BMW-325» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 7.200.000 сўм, техник соз-Юнусобод-238/4;
4. «ПЕЖО-206» автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 W 67-76, бошланғич нархи 14.580.000 сўм, техник соз-Юнусобод-135/4;
5. «Мазда-626» автомобили, ишлаб чиқарилган йили аниқланмаган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 2.916.000 сўм, тех. носоз-Юнусобод-158/13
6. «Иж-2125» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 O 73-85, бошланғич нархи 288.000 сўм, техник носоз – Юнусобод – 173/4
7. «Газ 2411» автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 P 99-97, бошланғич нархи 1.080. 000 сўм, техник носоз- Юнусобод - 284/4
8. «УРАЛ-4320» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 3414 ТНФ, бошланғич нархи 6.144.000 сўм, техник носоз-Миробод-48/4;
9. «BMW-525» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 J 8322, бошланғич нархи 8.000.000 сўм, техник соз-Юнусобод-46/4;
10. «Газ-24» автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 O 26-74, бошланғич нархи 928.000 сўм, техник носоз- Яккасарой -1032/13;
11. «ГАЗ-2411» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 0787, бошланғич нархи 648.929 сўм, техник носоз – Миробод-49/4;

2006 йил 9 июнь куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:

1. «Газ-24» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 F 49-11, бошланғич нархи 328.064 сўм, техник носоз- Яккасарой -1031/13;
2. «Газ-24» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 57-98, бошланғич нархи 478.284 сўм, техник носоз- Яккасарой -1033/13;
3. «Иж-2715» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 630.854 сўм, техник носоз-Юнусобод-77/1;
4. «ДЭУ Леганза» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AK 242, бошланғич нархи 12.427.746 сўм, техник носоз-М.Улуғбек-388/1;
5. «Ниссан Ланг Лейт», 1986 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 K 1570, бошланғич нархи 2.500.000 сўм, техник носоз-Шайхонтоҳур-368/4;
6. «Нексия» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 663, бошланғич нархи 2.216.395 сўм, техник носоз-Яккасарой-372/4;
7. «Матиз» автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 1305, бошланғич нархи 6.200.000 сўм, тех.-носоз-Ҳамза-135/23;
8. «МАЗ-504 В» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AD 089, бошланғич нархи 2.893.600 сўм, техник носоз-Учтепа-293/4;
9. «Прицеп», 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 1777 ЕФ, бошланғич нархи 1.535.464 сўм, техник носоз-Учтепа-292/4;
10. «ЗАЗ-968» автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 W 1465, бошланғич нархи 45.840 сўм, техник носоз-Миробод-271/4;
11. «Нексия» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AY 811, бошланғич нархи 4.500.000 сўм, техник носоз – Шайхонтоҳур – 306/4;

2006 йил 27 июнь куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:

1. «Сеат Кардоба» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 B 8481, бошланғич нархи 1.261.598 сўм, техник носоз-Миробод-651/4;
2. «КИА Соренто» автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси M 4499, бошланғич нархи 35.000.000 сўм, техник соз-Юнусобод-549/4;
3. «Ҳундай Гранжер» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси M 4425, бошланғич нархи 15.000.000 сўм, техник соз-Юнусобод-550/4;
4. «Ауди А 6» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 M 3686, бошланғич нархи 25.000.000 сўм, техник носоз-Юнусобод-568/4;
5. «ГАЗ-3110», 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 D 0042, бошланғич нархи 6.000.000 сўм, техник соз-Юнусобод-533/4;
6. «ДЭУ Супер Салон» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AH 226, бошланғич нархи 15.000.000 сўм, техник носоз-Юнусобод-654/4;
7. «ДЭУ Супер Салон» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AH 219, бошланғич нархи 15.000.000 сўм, техник носоз-Юнусобод-656/4;
8. «Нексия DOHC» автомобили, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 8969, бошланғич нархи 8.183.650 сўм, техник соз-Чилонзор-534/4;
9. «ДЭУ Леганза», 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 9.000.000 сўм, техник соз-Юнусобод-655/4;

Ким ошди савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 14.00 дан 18.00 га қадар ишчи гуруҳи вакиллари томонидан амалга оширилади ва кимошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади. Кимошди савдосида иштирок этиш учун автомототранспорт воситаси сақланаётган туман суд ижрочилари бўлинмасининг депозит ҳисоб рақамига автомототранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10% тўланиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 142-80-11, 134-58-35.

Футзал

ҲОЗИРЧА ҲАММАСИ ЖОЙИДА

ШАҲРИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУАСИДА ФУТЗАЛ БЎЙИЧА VIII ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛАЁТГАНЛИГИДАН МУХЛИСЛАРНИНГ ХАБАРИ БОР, АЛБАТТА.

Қитъамизнинг 16 та кучли терма жамоаси ғолиблик учун курашаётган ушбу нуфузли турнирнинг дастлабки беллашувида Малайзия терма жамоаси билан куч синашган ўзбекистонликлар 7:0 ҳисобида ажойиб ғалабага эришишганди.

Ўтган куни уюштирилган навбатдаги баҳсда Хитой Тайпейи терма жамоаси билан беллашган Ўзбекистон терма жамоасига яна омад кулиб боқди. Вакилларимиз қизиқарли кечган учрашувда рақиблар дарвозасини олти марта аниқ нишонга ола билишди ва ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишди. Шундай қилиб икки марта ғалаба нашидасини сурган футзалчиларимиз 2001 йилда уюштирилган Осиё чемпионатидаги ажойиб натижани такрорлаш имконига эга бўлиб туришибди. Гап шундаки, Ўзбекистон терма жамоаси 2001 йилда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида рақибларини енгиб, финалгача етиб борган, китъанинг етти карра чемпиони Эрон терма жамоасига қарши кечган ҳал қилувчи учрашувдагина имкониятни бой бериб чемпионатнинг кумуш медалларини қўлга киритган эди.

Ўтган куни ўтказилган бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: Австралия— Қувайт — 7:4, Ливан— Қирғизистон — 3:7, Малайзия — Хитой — 1:4, Эрон—Таиланд — 6:3, Индонезия—Туркманистон — 3:10.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

«Сағбон» подстанциясида профилактика ишларининг олиб борилиши муносабати билан 28 май куни соат 8.30 дан 18.00 гача Собир Раҳимов туманидаги Қорақамиш, Тансиқбоев, Мойқўрғон, Бешқўрғон даҳалари, генерал Фофуров, Дадабоев кўчаларида электр энергияси ўтказилиши тўхтайди.

Тошкент шаҳар Электр тармоқлари корхонаси очиқ акциядорлик жамияти вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўрайди.

СОТИБ ОЛАМАН

Марказда жойлашган квартирани зудлик билан сотиб оламан. Т:128-62-48.

ТОПШИРАМАН

Квартирани суткали тарзда топшираман. Т: 127-62-48.

Марказда жойлашган квартирани суткали топшираман. Т: 157-62-48

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 212-хона.

TV | YOSHLAR TELEKANALI | TOSHKENT TV | SPORT | 30 | 1 | РОССИЯ

ДУШАНБА, 29

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 10.50, 11.10, 12.25, 14.45, 16.35, 17.10, 18.20, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.50, 17.15 Олтин мерос.
9.00 «Олам ва одам» дастури: «Дунёдаги энг катта меҳмонхона».
9.50 «Камалак» экрани.
10.40 «O`zbektelefilm» намойиши: «Ёзнафаси».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Омон бўлинг!».
11.20, 12.30 «Табиб». Бадиий фильм. 1-2-қисм.
13.30, 14.15 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
14.50 «Жиддий ўйин».
15.40 «Одами эрсанг».
16.00 «Шахсий фикр».
16.40 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.25 «Равнақ» студияси намойиш этади.
17.40 «Рангин дунё».
18.00 «Мозий сирлари». 1-қисм.
